التوبة النصوح

Холис тавба

Шайх Муҳаммад Ҳассон

Ислом Нури таржимаси

Бисмиллаҳ, вассолату вассаламу ала расулиллаҳ.

Улуғ покланиш ойи, ибодатларга чиниқиш ойи, раҳмат ва мағфират ойи Рамазон карим кириб келиши олдидан гуноҳ ва маъсиятлардан тавба қилиб қалбларимизни мусаффо қилиб олиш мақсадида ушбу ўта муҳим мавзуни сиз азиз ўқувчиларимизга тақдим қилишни хоҳладик. Шояд порлоқ қалблар билан Рамазонни қаршиласак ва ундан мўл-кўл фойда олсак.

Ислом Нури таҳририяти

Барча ҳамду санолар Аллоҳга хосдир. Биз Унга ҳамд ва истиғфор айтамиз, Ундан ёрдам ва ҳидоят сўраймиз, нафсимизнинг шумлигидан ва амалларимизнинг ёмонлигидан Унинг Ўзидан паноҳ сўраймиз. Аллоҳ ҳидоят қилган кимсани адаштирувчи, адаштирган кимсани ҳидоят қилувчи йўқдир. Мен ягона, шериксиз Аллоҳдан ўзга ҳақ илоҳ йўқ ва Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам Унинг бандаси ва элчисидирлар, у зот омонатни адо этганлар, рисолатни етказганлар, умматга холис насиҳат қилганлар, Аллоҳ таоло у зот сабабли зулматларни ёритган, у зот Аллоҳ йўлида то ўлим келгунича ҳақиқий жиҳод қилганлар деб гувоҳлик бераман.

Аллоҳим, Ўзинг у зотни энг яхши мукофотлар билан мукофотлагин.

Аллоҳим, Ўзинг у зотга, аҳли ва асҳобига, то қиёмат у зотни севган ва йўлларига йўлланиб, суннатларини тутган ҳар бир кишига кўпдан-кўп саловоту саломлар йўллагин.

Аммо баъд...

Фозил дўстлар, азиз биродарлар, барчангизга Аллоҳнинг саломи бўлсин, қадамларингизга ҳасанот, даврамизга хуш келибсиз, барчамизни Аллоҳ таборака ва таоло Ўзининг жаннатида ҳам жамласин ва даъватчилар саййиди бўлган

Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга қилсин. Зотан, У бунинг эгаси ва бунга қодирдир.

Аллоҳ йўлидаги дўстларим! Бугун сизлар билан холис тавба ҳақида суҳбатлашамиз. Ушбу улуғ мавзуда бўладиган суҳбатимизни одатдагидек бир неча моддаларга бўлиб оламиз:

Биринчи: Тавбанинг фарзлиги

Иккинчи: Тавбанинг фазли

Учинчи: Тавба осмонида порлаган қуёшлар

Тўртинчи: Тавбанинг шартлари

Бешинчи: Тавба йўлидаги тўсиқлар ва улардан қутулиш йўллари

Сўзларимга диққат-эътибор қаратишингизни сўрайман, Аллоҳ таоло барчамиздан тавбаларимизни қабул қилсин, дунёда ҳам, охиратда ҳам гуноҳларимизни яширсин, сўзга қулоқ солиб, унинг яхшисига эргашадиган кишилардан қилсин.

﴿ فَبَشِّرۡ عِبَادِ ١٧ ٱلَّذِينَ يَسۡتَمِعُونَ ٱلۡقَوۡلَ فَيَتَّبِعُونَ أَحۡسَنَهُۥٓۚ أُوْلَٰٓئِكَ ٱلَّذِينَ هَدَىٰهُمُ ٱللَّهُۖ وَأُوْلَٰٓئِكَ هُمۡ أُوْلُواْ ٱلۡأَلۡبَٰبِ ١٨ ﴾

الزمر: ١٨

«Бас (эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), Менинг бандаларимга — сўзга қулоқ тутиб, унинг энг гўзалига эргашадиган зотларга хушхабар беринг! Ана ўшалар Аллоҳ ҳидоят қилган зотлардир. Ва ана ўшаларгина ақл эгаларидир» (Зумар: 18).

Тавбанинг фарзлиги

Севикли дўстларим! Имом Ибнул Қаййим раҳимаҳуллоҳ айтадилар: Кўпчилик одамлар онгли, амалий равишда ва дарҳол тавба қилиш у ёқда турсин, тавбанинг қадрини ва фазлини ҳатто билишмайди ҳам. Ҳолбуки, тавба Ислом динининг ҳақиқатидир, диннинг ҳаммаси тавба деган сўз остига дохилдир. Шунинг учун ҳам тавба қилувчи шахс Раҳмоннинг севикли бандаси бўлишга ҳақли бўлди. Тавбанинг луғатдаги маъноси «қайтиш»дир. Аллоҳга тавба қилувчи – Аллоҳ ёқтирмайдиган нарсадан зоҳирда ҳам, ботинда ҳам қайтувчи ва Аллоҳ яхши кўрадиган нарса томонга зоҳиран ва ботинан бурилувчи кишидир.

Тавба ҳар лаҳза ва ҳамма вақт фарз эканига далил бўлувчи кўплаб оят ва ҳадислар ҳамда умматнинг ижмоъи мавжуд. Чунки, мусулмон киши зоҳирий ва ботиний маъсиятдан холи эмас. Шунинг учун у то Аллоҳга йўлиққунига қадар умридаги нафаслар сонича Унга тавбани янгилаб туриши ва Аллоҳ таолога тавба қилган ҳолида дунёдан ўтмоғи лозим бўлади.

قَالَ تَعَالَىٰ: ﴿ يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ تُوبُوٓاْ إِلَى ٱللَّهِ تَوۡبَةٗ نَّصُوحًا عَسَىٰ رَبُّكُمۡ أَن يُكَفِّرَ عَنكُمۡ سَيِّـَٔاتِكُمۡ وَيُدۡخِلَكُمۡ جَنَّٰتٖ تَجۡرِي مِن تَحۡتِهَا ٱلۡأَنۡهَٰرُ يَوۡمَ لَا يُخۡزِي ٱللَّهُ ٱلنَّبِيَّ وَٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ مَعَهُۥۖ نُورُهُمۡ يَسۡعَىٰ بَيۡنَ أَيۡدِيهِمۡ وَبِأَيۡمَٰنِهِمۡ يَقُولُونَ رَبَّنَآ أَتۡمِمۡ لَنَا نُورَنَا وَٱغۡفِرۡ لَنَآۖ إِنَّكَ عَلَىٰ كُلِّ شَيۡءٖ قَدِيرٞ ٨ ﴾ التحريم: ٨

Аллоҳ таоло айтади: **«Эй мўминлар, Аллоҳга холис тавба қилинглар, шоядки Парвардигорингиз сизларнинг ёмонлик-гуноҳларингизни ўчириб, остидан дарёлар оқиб турадиган жаннатларга киритур. У Кунда Аллоҳ пайғамбарни ва у билан бирга иймон келтирган зотларни шарманда қилмас. Уларнинг нурлари олдиларида ва ўнг томонларида юрур. Улар: «Парвардигоро, Ўзинг бизларга нуримизни комил қилиб бергин ва бизларни мағфират қилгин. Албатта Сен барча нарсага қодирдирсан», дерлар»** (Таҳрим: 8).

قَالَ تَعَالَىٰ: أَعُوذُ بِٱللَّهِ مِنَ ٱلشَّيۡطَٰنِ ٱلرَّجِيمِ ﴿ وَتُوبُوٓاْ إِلَى ٱللَّهِ جَمِيعًا أَيُّهَ ٱلۡمُؤۡمِنُونَ لَعَلَّكُمۡ تُفۡلِحُونَ ٣١ ﴾ النور: ٣١

Яна айтади: **«Барчаларингиз Аллоҳга тавба қилинглар, эй мўминлар! Шоядки (шунда) нажот топсангизлар»** (Нур: 31).

قَالَ تَعَالَىٰ: أَعُوذُ بِٱللَّهِ مِنَ ٱلشَّيۡطَٰنِ ٱلرَّجِيمِ ﴿ وَمَن لَّمۡ يَتُبۡ فَأُوْلَٰٓئِكَ هُمُ ٱلظَّٰلِمُونَ ١١ ﴾ الحجرات: ١١

Яна айтади: **«Ким тавба қилмаса бас, ана ўшалар золим кимсаларнинг ўзидирлар»** (Ҳужурот: 11).

Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинган ҳадисда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: **«Эй инсонлар! Аллоҳга тавба қилингиз ва истиғфор айтингиз! Албатта, мен бир кунда юз маротаба тавба қиламан»** (Имом Муслим (42/2702) ривояти). Аллоҳ таоло ўтган ва келгуси

гуноҳларини мағфират қилиб қўйган Пайғамбаримиздек зот Аллоҳга бир кунда юз марта истиғфор айтиб, тавба қилар эканлар.

Бухорий ривоятида: Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: **«Аллоҳга қасамки, мен бир кунда Аллоҳга етмиш мартадан зиёдроқ истиғфор айтиб, тавбалар қиламан»** (Имом Бухорий (№6307) ривояти).

Эй мусулмонлар, эй ёшлар! Мустафо соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир кунда еру осмонлар Парвардигорига минглаб марта тавба қилган бўлсалар, ҳеч бир мусулмон катта-кичик гуноҳлардан холи бўлмайди, демак биз ҳаётимиздаги нафасларимиз ададича тавба қилишга муҳтож эканмиз. Хурсанд бўладиган жиҳати шундаки, то жон ҳалқумингизга етмагунича ё қуёш ботиш томонидан чиқмагунича Аллоҳ таоло ҳаргиз тавба эшигини ёпмайди.

Ҳавои хоҳишларидан сўзламайдиган ростгўй зотнинг сўзларини тадаббур қилиб кўринг. «Саҳиҳ Муслим»да Абу Мусо розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: **«Аллоҳ таоло кундузининг гуноҳкори тавба қилиши учун тунда қўлини ёзади, тунда гуноҳ қилган киши тавба қилиши учун кундузи қўлини ёзади, то қуёш ботиш томонидан чиқмагунича (шу ҳол давом этаверади)».**

«Саҳиҳайн»да Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: **«Аллоҳ таоло ҳар кеча дунё осмонига тушади...»**. Тушиши Ўзининг камолига ва жалолига муносиб тарзда бўлади, сиз бу ҳақда зеҳнингизга келган нарсаларнинг ҳаммасини қувиб юборинг, Аллоҳ таоло буларнинг ҳаммасидан бошқачадир. **«(У зот) Ўз аршига ўрнашган Раҳмондир»** (Тоҳа: 5). Унинг ўрнашиши Ўзи хабар берганидек ва Ўзи истаган кўринишда ва Ўзи айтган маънодадир, Унинг ўрнашиши тушиш ва кўчиб юришдан покдир. На арш Уни кўтаради ва на курсий Унга суянчиқ бўлади. Балки, арш ва унинг кўтарувчилари, курсий ва унинг буюклиги, ҳамма-ҳаммаси Унинг қудрати лутфи билан кўтарилмиш, Унинг зўр чангали билан тутилмиш.

Ўрнашиш маълум, кайфияти номаълум, унга иймон келтириш вожиб, бу ҳақда сўраш бидъат, қандай қилиб тушади деб сўралмайди. Аллоҳ таоло Ўзининг камоли ва жалолига муносиб равишда ҳар кеча дунё осмонига тушади, сиз бу ҳақда тасаввурингизга келган ҳамма нарсани қувинг, чунки Аллоҳ таоло ундан бошқачадир.

قَالَ تَعَالَىٰ: ﴿ لَيْسَ كَمِثْلِهِۦ شَىْءٌ ۖ وَهُوَ ٱلسَّمِيعُ ٱلْبَصِيرُ ﴿١١﴾ ﴾ الشورى: ١١

«Бирон нарса У зотга ўхшаш эмасдир. У эшитувчи ва кўриб турувчидир» (Шуро: 11).

قَالَ تَعَالَىٰ: ﴿ لَّا تُدْرِكُهُ ٱلْأَبْصَٰرُ وَهُوَ يُدْرِكُ ٱلْأَبْصَٰرَ ۖ وَهُوَ ٱللَّطِيفُ ٱلْخَبِيرُ ﴿١٠٣﴾ ﴾ الأنعام: ١٠٣

«Кўзлар унга ета олмас. У кўзларга етар! У меҳрибон ва (ҳар нарсадан) **огоҳ зотдир»** (Анъом: 103).

قَالَ تَعَالَىٰ: ﴿ فَلَا تَضْرِبُوا۟ لِلَّهِ ٱلْأَمْثَالَ ۚ إِنَّ ٱللَّهَ يَعْلَمُ وَأَنتُمْ لَا تَعْلَمُونَ ﴿٧٤﴾ ﴾ النحل: ٧٤

«Бас, Аллоҳнинг ўхшашини қидирманглар! (У зотнинг мисли — ўхшаши йўқдир.) **Албатта Аллоҳ** (барча нарсани) **билур, сизлар** (ҳеч нарсани) **билмассиз»** (Наҳл: 74).

قَالَ تَعَالَىٰ: ﴿ يَعْلَمُ مَا بَيْنَ أَيْدِيهِمْ وَمَا خَلْفَهُمْ وَلَا يُحِيطُونَ بِهِۦ عِلْمًا ﴿١١٠﴾ ﴾ طه: ١١٠

«У зот уларнинг олдиларидаги (яъни охиратдаги) **ва ортларидаги** (яъни дунёдаги) **бор нарсани билур. Улар эса У зотни била олмаслар»** (Тоҳа: 110).

بِسْمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحْمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ

﴿ قُلْ هُوَ ٱللَّهُ أَحَدٌ ﴿١﴾ ٱللَّهُ ٱلصَّمَدُ ﴿٢﴾ لَمْ يَلِدْ وَلَمْ يُولَدْ ﴿٣﴾ وَلَمْ يَكُن لَّهُۥ كُفُوًا أَحَدٌۢ ﴿٤﴾ ﴾

«(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), **айтинг: «У — Аллоҳ Бирдир.** (Яъни Унинг ҳеч қандай шериги йўқдир. У яккаю ёлғиздир). **Аллоҳ** (барча ҳожатлар билан) **кўзланувчидир** (яъни барча ҳожатлар Ундан сўралади, аммо У ҳеч кимга муҳтож эмасдир). **У туғмаган ва туғилмагандир** (яъни Аллоҳнинг ўғил-қизи ҳам, ота-онаси ҳам йўқдир. У азалий ва абадий зотдир). **Ва ҳеч ким У зотга тенг эмасдир»** (Ихлос: 1-4).

У Ўзининг исмларида ягонадир, Ўзининг зотида ягонадир, Ўзининг сифатларида ягонадир, Ўзининг иш-феъларида ягонадир.

Уни энг яхши танувчи зот (Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтганлар: **«Аллоҳ таоло ухламайди, ухлашлик Унга муносиб эмасдир.**

Тарозини (яъни адолатни ёки ризқни) туширади ва кўтаради. Кундузнинг амалидан аввал кечанинг амали, кечанинг амалидан олдин кундузнинг амали Унга кўтарилади. Унинг пардаси нурдир, агар уни очса Юзининг нури Кўзи етган барча халқларини куйдириб юборади» (Муслим ва Аҳмад Абу Мусо розияллоҳу анҳудан ривоят қилганлар).

Хуллас, Аллоҳ таоло ҳар кеча дунё осмонига тушади ва: **«Мен Подшоҳман, Менга дуо қиладиган борми, уни ижобат этсам, Мендан сўрайдиган борми, унга ато этсам, Менга истиғфор айтадиган борми, унинг гуноҳларини кечирсам»,** дейди. То тонг ёришгунича шундай давом этади (Бухорий ва Муслим ривоятлари).

Хўш, сиз қаерда бўласиз тунда?! Тунни шармсиз филмлар томоша қилиш билан ўтказасиз. Эй бечора, эй умрини сериаллар ва филмлар кўриш билан ўтказаётган кимса, кўзингни оч!! Уйғон ва ўрнингдан тур!! Ўлим кутилмаганда бостириб келади. Хожамиз жалла жалолуҳу сенга нидо қилмоқда, сен эса ғафлатда ётибсан! Кўзингни оч, уйғон!!

Аллоҳ жалла жалолуҳу сенга хитоб қилмоқда: **«Мен Подшоҳман, Менга дуо қиладиган борми, уни ижобат этсам, Мендан сўрайдиган борми, унга ато этсам, Менга истиғфор айтадиган борми, унинг гуноҳларини кечирсам»**.

«Саҳиҳайн»да Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: **«Аллоҳ таоло айтади: Мен бандамнинг Мен ҳақидаги ўйидаман. Мени эслаган чоғида Мен у билан биргаман. Агар у Мени ичида зикр қилса, Мен ҳам уни ичимда зикр қиламан. Агар бир жамоатда зикр қилса, Мен уни улардан яхшироқ жамоатда зикр қиламан. Бандам менга бир қарич яқинлашса, Мен унга бир газ** (60-70 см атрофида узунлик ўлчови) **яқинлашаман. Агар менга бир газ яқинлашса, Мен унга бир қулоч яқинлашаман. Агар у Мен томон юриб келса, Мен у томон югуриб бораман!»**.

﴿ ۞ قُلْ يَٰعِبَادِيَ ٱلَّذِينَ أَسْرَفُوا۟ عَلَىٰٓ أَنفُسِهِمْ لَا تَقْنَطُوا۟ مِن رَّحْمَةِ ٱللَّهِ ۚ إِنَّ ٱللَّهَ يَغْفِرُ ٱلذُّنُوبَ جَمِيعًا ۚ إِنَّهُۥ هُوَ ٱلْغَفُورُ ٱلرَّحِيمُ ﴿٥٣﴾ ﴾

الزمر: ٥٣

«(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), **Менинг** (турли гуноҳ-маъсиятлар қилиш билан) **ўз жонларига жиноят қилган бандаларимга айтинг: «Аллоҳнинг раҳмат-марҳаматидан ноумид бўлмангиз! Албатта Аллоҳ** (Ўзи

хоҳлаган бандаларининг) **барча гуноҳларини мағфират қилур. Албатта Унинг Ўзигина мағфиратли, меҳрибондир»** (Зумар: 53).

Олға эй мусулмон! Олға бу буюк фазлу марҳамат сари! Аллоҳга қасамки, агар тавбанинг фазлини билсангиз эди, бир зум ҳам тавбани тарк этмаган бўлардингиз.. Суҳбатимизнинг иккинчи моддаси шу ҳақда давом этади.

Тавбанинг фазилати

1) Тавбанинг энг катта фазилати – у Парвардигорнинг бандани яхши кўришига сабаб бўлади. Сўзимга яхши эътибор бердингиз деб ўйлайман. Яъни, мен тавба банданинг Парвардигорга бўлган муҳаббатига сабаб бўлади, демадим, балки тавба Парвардигорнинг бандага бўлган муҳаббатига сабаб бўлади, дедим. Эй инсон, сен ўзи кимсанки, сени Аллоҳ яхши кўрса?!! Имом Бухорий Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадиси қудсийда Аллоҳ жалла ва ало айтади: **«Ким Менинг** (тоат-ибодатимда мустаҳкам бўлган) **дўстимга душманлик қилса, Мен унга уруш эълон қиламан. Бандам унга фарз қилган амалларимдан кўра Менга суюмлироқ бўлган бошқа бирор нарса билан Менга яқинлаша олмайди. Бандам Менга нафл амалларини қилиш билан яқинлашиб бораверади, ҳаттоки Мен уни яхши кўриб қоламан. Агар яхши кўриб қолсам, Мен унинг эшитадиган қулоғига, кўрадиган кўзига, ушлайдиган қўлига ва юрадиган оёғига айланаман.** (Яъни, у фақат мен хоҳлаган ва мени рози қиладиган нарсаларни эшитади, кўради ва ҳоказо.) **Агар сўраса, албатта бераман, паноҳ тиласа, албатта паноҳимга оламан»**.

Хўш, Аллоҳ сизни яхши кўриб қолса, нима бўлади? Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар: **«Аллоҳ таоло бир бандани яхши кўрса, Жибрийлни чақириб: «Мен фалончини яхши кўраман, сен ҳам уни яхши кўргин», дейди. Шунда Жибрийл ҳам уни яхши кўриб қолади. Сўнг само аҳли ичида: «Аллоҳ фалончини яхши кўради, сизлар ҳам уни яхши кўринглар», деб нидо қилади, само аҳли ҳам уни яхши кўрадилар. Шундан сўнг у инсон учун ерда қабулият** (яъни, одамларнинг муҳаббати ва розиликлари) **вужудга келади. Агар Аллоҳ бир бандани ёмон кўрса, Жибрийлни чақириб: «Мен фалончини ёмон кўраман, сен ҳам уни ёмон кўргин», дейди. Шунда Жибрийл ҳам уни ёмон кўриб қолади. Сўнг само аҳли ичида: «Аллоҳ фалончини ёмон кўради, сизлар ҳам уни ёмон кўринглар», деб нидо қилади, само аҳли ҳам уни ёмон кўрадилар.**

Шундан сўнг у инсон учун ерда нафрат вужудга келади» (Бухорий ва Муслим ривоятлари).

Агар еру осмонлар Парвардигори сизни яхши кўрса, сиз дунё-ю охират бахтига эришасиз. Ўзингиз ўйлаб кўринг, агар дунёдаги бирон масъул раҳбар сизни яхши кўрса, сиз дунёдаги энг бахтиёр инсон бўласиз. Шундай экан, дунё-ю охират Қўлида бўлган Зот агар сизни яхши кўрса, сиз дунёда ҳам, охиратда ҳам энг саодатли инсонга айланасиз.

2) Тавбанинг фазилатларидан яна бири шуки, у Парвардигорнинг банда билан шодланишига сабаб бўлади. «Саҳиҳайн»да Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Парвардигор таолони энг яхши танувчи зот бўлмиш Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: **«Аллоҳ бандасининг тавбаси билан бир кишидан кўра ҳам кўпроқ хурсанд бўладики, у кимсасиз саҳрода туясига озиқ-овқати ортилган ҳолда бораётганида туяси қочиб кетди. Туяни топишдан умиди узилгач, ноумид бўлиб бир дарахт соясига бориб** (ўлимини кутиб) **ётиб олди. Бир вақт қараса, туяси олдида турибди. Унинг тизгинидан тутганича қаттиқ хурсанд бўлиб кетганидан тили адашиб: «Эй Парвардигор! Сен бандамсан, мен роббингман», деб юборди.** (Аллоҳ бандасининг тавба қилишидан ана шу кишидан кўра ҳам кўпроқ хурсанд бўлади)**»** (Бухорий ва Муслим ривоятлари).

Ушбу бечора банданинг қаттиқ хурсанд бўлиб кетганидан тили адашиб, нима деяётганини ҳам билмай қолиб: «Парвардигор! Сен бандамсан, мен роббингман» деб юборганини тасавур қилинг. Аллоҳ таоло сизнинг тавба қилишингиз билан йўқолган туяси қайтиб келган шу банданинг хурсандлигидан кўра ҳам кўпроқ хурсанд бўлади.

3) Тавбанинг фазилатларидан яна бири – у қалбнинг нурланишига ва гуноҳлар асарининг ўчиб кетишига сабаб бўлади. Оҳ, бу нақадар буюк фазилат!! Огоҳ бўлинг эй ёшлар! Ҳар бир муслим ва муслима огоҳ бўлсин! Бу мавзудан олим ҳам, ҳоким ҳам, эркак ҳам, аёл ҳам, йигит ҳам, қиз ҳам беҳожат бўлолмайди, ҳамма-ҳаммамиз тавбага эҳтиёжлимиз.

Тавба қалбнинг ёришишига ва гуноҳ асари ўчишига сабабдир. Агар тавбангизда содиқ бўлсангиз, Аллоҳ таоло сизни тавбангиз сабабли ҳар қандай

катта ва кичик гуноҳдан поклайди. Термизий ва Ҳоким Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан саҳиҳ санад билан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар: **«Банда бир гуноҳни қилса, унинг қалбида битта қора доғ пайдо бўлади. Агар ундан тийилиб, истиғфор айтса ва тавба қилса, қалби тозаланади. Агар яна гуноҳ қилишга қайтса, доғ кўпайиб, бутун қалбини қоплаб олади. Бу Аллоҳ таолонинг қуйидаги оятида айтилган қоплаб олишдирки:** ***«Балки уларнинг дилларини ўзлари касб қилгувчи бўлган гуноҳлари*** *(занги)* ***қоплаб олгандир!»*** (Мутоффифун: 14). (Саҳиҳ сунан ат-Термизий: 2654).

Ҳузайфа ибн ал-Ямон розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шундай деганларини эшитганман: **«Фитналар қалбларга бўйра (тўқилгандаги) қамиш новдалари каби бирин-кетин кўндаланг бўлаверади. Бирон фитна қайси бир қалбга кириб ўрнашиб олса, бу қалбда битта қора нуқта пайдо бўлади. Қай бир қалб уни инкор қилса, унда битта оқ нуқта пайдо бўлади. Бориб-бориб қалблар икки турлига ажралади: биринчиси силлиқ тош каби оппоқ қалб бўлиб, унга модомики осмонлару ер турар экан, бирон бир фитна зарар етказолмайди. Иккинчиси тўнкарилган қумғон каби қоп-қора қалб бўлиб, на бир маъруфни тан олади ва бир мункарни инкор этади. Фақат ҳавои-нафсига ўрнашиб қолган нарсанигина тан олади»** (Муслим ривояти).

Эътибор беринг, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг сўзларига: «**Агар ундан тийилиб, истиғфор айтса ва тавба қилса, қалби тозаланади**». Қалбига иккинчи марта нур ва иймон қайтади. Чунки, қалбда иймоннинг нури бордир.

Такрор айтаманки, қалбда иймоннинг нури бўлади. Алий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: **«Қалб борки, унинг ой юзини тўсувчи булутга ўхшаш бир булути бўлади. Ой нур сочиб турганда тўсатдан уни булут ўраб, қоронғилатиб қўяди. Булут очилгач, яна ёрита бошлайди»** (Абу Нуъайм, Дайламий ривоят қилганлар, Албоний «Ас-силсилатус-саҳиҳа»да (2268) саҳиҳ санаган).

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ушбу сўзларини тафаккур қилиб кўринг. Самода ой нур сочиб тураркан, бирдан қоп-қора қалин булут сузиб келиб, ой юзига парда ташлайди ва унинг нурини ердан тўсади. Бу эса маъсиятларнинг қалбга қараб ҳаракатланиши ва қалбдаги иймон нурини тўсиб қўйишига

ташбеҳдир. Энди қора булутлар сурилиб, ой юзи очилиши гуноҳ ва маъсиятларнинг тавба ва истиғфор билан четга сурилиши ва иймон нурининг яна қайтадан балқишига мисолдир. Мустафо соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганларидек: **«Банда бир гуноҳни қилса, унинг қалбида битта қора доғ пайдо бўлади. Агар ундан тийилиб, истиғфор айтса ва тавба қилса, қалби тозаланади. Агар яна гуноҳ қилишга қайтса, доғ кўпайиб, бутун қалбини қоплаб олади. Бу Аллоҳ таолонинг қуйидаги оятида айтилган қоплаб олишдирки:** ***«Балки уларнинг дилларини ўзлари касб қилгувчи бўлган гуноҳлари*** *(занги)* ***қоплаб олгандир!»*** (Мутоффифун: 14). (Саҳиҳ сунан ат-Термизий: 2654).

4) Тавбанинг фазилатларидан яна бири шуки, у дунёда ҳам, охиратда ҳам бахтли ҳаёт кечиришга сабаб бўлади. Мол-дунё ва бойлик истаган одам тавба қилсин – бу сўзимга қуйида Қуръондан далил олиб келаман – фарзанд неъматидан маҳрум бўлиб, фарзанд истаган киши тавба қилсин, дунёда фароғатли ҳаёт истаган киши тавба қилсин, охиратда саодатли ҳаётга эришиш истагида бўлган киши тавба қилсин...

﴿ فَقُلْتُ ٱسْتَغْفِرُوا۟ رَبَّكُمْ إِنَّهُۥ كَانَ غَفَّارًا ﴿١٠﴾ يُرْسِلِ ٱلسَّمَآءَ عَلَيْكُم مِّدْرَارًا ﴿١١﴾ وَيُمْدِدْكُم بِأَمْوَٰلٍ وَبَنِينَ وَيَجْعَل لَّكُمْ جَنَّٰتٍ وَيَجْعَل لَّكُمْ أَنْهَٰرًا ﴿١٢﴾ مَّا لَكُمْ لَا تَرْجُونَ لِلَّهِ وَقَارًا ﴿١٣﴾ ﴾ نوح: ١٠ - ١٣

Парвардигор жалла ва алонинг Каломига қулоқ тутинг: (Нуҳ алайҳиссалом) **«Мен дедимки: Парвардигорингиз** (Аллоҳ)**дан мағфират сўранглар, албатта У ўта мағфиратли бўлган зотдир.** (Шунда) **У зот устларингизга осмондан ёмғир қуйдирур. Ва сизларга мол-дунё, бола-чақа билан мадад берур ҳамда сизларга боғу бўстонлар** (ато) **қилур ва сизларга оқар дарёлар** (ато) **қилур. Нега сизлар Аллоҳни улуғлашни** (яъни Унга ибодат қилишни) **ўйламайсизлар?!»** (Нуҳ: 10-13). Нега сизлар Аллоҳнинг тавҳидини рўёбга чиқармайсизлар, Унга ҳақиқий ибодат қилмайсизлар, Уни тўғри таний олмайсизлар?!! Тавба ва истиғфорнинг натижаларини кўринг!! Эй камбағалликдан қўрқадиган, қурғоқчиликдан қийналадиган, фарзандсизликдан эзиладиган инсонлар! Еру осмоннинг Парвардигорига тавба қилинг ва истиғфор айтинг, У устингизга ёмғирлар ёғдиради, сизларга мол-дунё, бола-чақа билан мадад беради, сизларга боғу бўстонлар ва оқар дарёлар ато этади!!

قَالَ تَعَالَىٰ: ﴿وَلَوْ أَنَّ أَهْلَ ٱلْقُرَىٰٓ ءَامَنُوا۟ وَٱتَّقَوْا۟ لَفَتَحْنَا عَلَيْهِم بَرَكَٰتٍ مِّنَ ٱلسَّمَآءِ وَٱلْأَرْضِ وَلَٰكِن كَذَّبُوا۟ فَأَخَذْنَٰهُم بِمَا كَانُوا۟ يَكْسِبُونَ ﴿٩٦﴾﴾ الأعراف: ٩٦

«Агар у қишлоқларнинг (жойнинг) **аҳли иймон келтириб, тақводор бўлганларида эди, албатта Биз уларга осмону Ердан баракот** (дарвозаларини) **очиб қўйган бўлур эдик. Лекин улар** (пайғамбарларимизни) **ёлғончи қилдилар, бас, уларни ўзлари қилган гуноҳлари сабабли ушладик»** (Аъроф: 96).

Эй мол-давлат истаган кимса, тавба қил... Эй фарзанд неъматидан маҳрум кас, тавба ва истиғфорни лозим тут. Аллоҳга қайт, билгинки, тавба дунёда ҳам, охиратда ҳам бахтли-саодатли ҳаёт сабабидир. Аллоҳга қасамки, шу дунёда Аллоҳга тавба қилмаган ва мудом тавбани ўзига лозим тутмаган киши охиратда саодатга эришолмайди.

قَالَ تَعَالَىٰ: ﴿يَوْمَ يَأْتِ لَا تَكَلَّمُ نَفْسٌ إِلَّا بِإِذْنِهِۦ ۚ فَمِنْهُمْ شَقِىٌّ وَسَعِيدٌ ﴿١٠٥﴾ فَأَمَّا ٱلَّذِينَ شَقُوا۟ فَفِى ٱلنَّارِ لَهُمْ فِيهَا زَفِيرٌ وَشَهِيقٌ ﴿١٠٦﴾ خَٰلِدِينَ فِيهَا مَا دَامَتِ ٱلسَّمَٰوَٰتُ وَٱلْأَرْضُ إِلَّا مَا شَآءَ رَبُّكَ ۚ إِنَّ رَبَّكَ فَعَّالٌ لِّمَا يُرِيدُ ﴿١٠٧﴾ ۞ وَأَمَّا ٱلَّذِينَ سُعِدُوا۟ فَفِى ٱلْجَنَّةِ خَٰلِدِينَ فِيهَا مَا دَامَتِ ٱلسَّمَٰوَٰتُ وَٱلْأَرْضُ إِلَّا مَا شَآءَ رَبُّكَ ۖ عَطَآءً غَيْرَ مَجْذُوذٍ ﴿١٠٨﴾﴾ هود: ١٠٥ - ١٠٨

«У Кун келганида, бирон жон гапирмас, магар Унинг (Аллоҳнинг) **изни билангина гапирур. Бас, у** (Кунга ҳозир бўлганлар) **орасида бахтсизи ҳам бўлур, бахтлиси ҳам. Бас, энди бадбахт кимсалар дўзахда бўлиб, у жойда оҳу фарёд қилурлар. Улар унда осмонлар ва Ер бор экан** (яъни абадий) **қолурлар, магар Парвардигорингиз хоҳлаган** (тавҳид аҳлидан бўлган осийларни дўзахда бир муддат турганларидан кейин чиқариши бундан мустаснодир)**. Зотан, Парвардигорингиз фақат Ўзи истаган ишни қилувчи зотдир! Энди бахтиёр зотлар эса жаннатда бўлиб, у жойда осмонлар ва Ер тургунча** (яъни тоабад) **турурлар, магар Парвардигорингиз** (дўзахда бир муддат туришларини) **хоҳлаган** (тавҳид аҳлидан бўлган осийларнинг жаннатга киришларининг кечиктирилиши бундан мустаснодир)**. Бу** (яъни жаннатга тушиш бахтига эришиш Парвардигорингизнинг) **туганмас инъомидир** (Ҳуд: 105-108).

Парвардигорим, Ўзинг бизларни саодат аҳлидан қилгайсан.

Севикли биродарим, ҳозироқ шошилинг, тавба қилишга ошиқинг!

Эй гуноҳларидан пушаймон бўлувчи, пушаймонлигинг асари қани?!! Хатоларинг учун йиғи қани?!!

Эй хатолар асири, қани кўз ёшлари?!!

Эй Парвардигорига қабоҳатлар билан юзланувчи кимса, дўзахга тоқатинг етарлими?!!

Во ҳасрато, бугун тавбага чақирилганда жавоб бермасанг!! Тавбани эслатилганда унга шошилмасанг!! Тавба қилишга шошил, уни кечиктирма, пайсалга солма! Чунки, ўлим тўсатдан келади. Яхшилар тавба қилишда сендан ўзиб кетдилар, сен ҳам улардан қолма!

Суҳбатимизнинг учинчи қисми шу мавзуда боради.

Тавба осмонида порлаган қуёшлар

Набий Мустафо соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳадислари билан сўз бошлайман. У зот бизга юзта одам ўлдирган киши сидқидилдан Аллоҳга тавба қилганида Аллоҳ унинг тавбасини қабул қилгани ҳақида сўзлаб берадилар. «Саҳиҳайн»да Абу Саид ал-Худрий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: **«Сизлардан олдин ўтган одамлар орасида тўқсон тўққиз жонни ўлдирган бир киши бор эди. У** (тавба қилишни истади ва) **ер юзидаги энг илмли киши ҳақида сўраган эди, уни бир роҳибнинг олдига жўнатишди. У роҳибнинг олдига бориб, унга тўқсон тўққиз кишини ўлдирганини айтди ва мағфират қилинаманми, деб сўради. Роҳиб: «Йўқ», деган эди, уни ҳам ўлдирди. Шу билан ўлдирганларининг сони юзта бўлди. Кейин яна ер юзидаги энг илмли киши ҳақида сўради. Уни бир олимга жўнатишди...».**

Бугун уммат уламоларга нақадар муҳтож!! Зотан, уламолар уммат учун пайғамбарининг йўлини ёритиб берувчи шамчироқдирлар, улар умматнинг пайғамбарлар йўлида юрувчи ҳақиқий йўлбошчиларидир. Уламолар пайғамбарларнинг ворисларидир. Аллоҳ таолодан уммат уламоларига баракот беришини сўрайман.

«... У олимга юз кишини ўлдирганини айтиб: «Мағфират қилинишимга имкон борми?», деб сўради. «Ҳа, сени тавба қилишдан нима тўсиб турибди(ки тавба қилмаяпсан**?**) **Фалон шаҳарга бор, чунки у ернинг халқи Аллоҳга ибодат қилишади. Сен ҳам улар билан бирга ибодат қил ва юртингга қайтиб келма, чунки бу ер ёмон жой», деб жавоб берди олим...**».

Яъни, сен яшаб турган муҳитингни ўзгартир, маъсият ва Аллоҳдан узоқлик муҳитини, сени Аллоҳнинг тоатидан ва илм ҳосил қилишдан тўсадиган ёмон улфатлар даврасини тарк эт. Сенга: «Йўқ! Ҳушёр бўл, масжидларга борма, соқоллилар билан кўришма, улар сенинг миянгни заҳарлашади! Биз баркамол авлод тарбия қилишни истаймиз, биз яшашни истаймиз», деб айтадиган «насиҳатгўй»лардан қоч. Сенга: «Кел унинг ўрнига, фалончи фазовий антенна олган, шармсиз филмлар томоша қиламиз, тунни унинг уйида ўтказамиз» деб айтадиган, «фалон кафеда арзон бангивор модда бор, кетдик ўша ерга», деб айтадиган ёмон улфатлар даврасидан юз ўгир, муҳитни ўзгартир, улфатларни ўзгартир. Акс ҳолда, тавбага муваффақ бўлолмайсан..

«... Сўнг у қатъий қарорга келиб, ўша шаҳар томон йўл олди. Ярим йўлга етганда ўлим фариштаси келиб унинг жонини олди. Раҳмат ва ғазаб (жазо берувчи) **фаришталари бир-бирлари билан тортишиб қолдилар.**

- У тавба қилган эди ва Аллоҳ томон кетаётган эди,- деди раҳмат фариштаси.

- У бирорта ҳам солиҳ амал қилмади-ку,- деди ғазаб фариштаси.

Шунда уларнинг ёнига одам қиёфасида бир фаришта келди. Фаришталар ундан ечим сўрашди.

- Иккала тарафнинг ҳам (яъни яшаган юрти ва кетаётган шаҳрининг) **масофасини ўлчаб кўринглар. У қайси томонга яқин бўлса, демак ўша тарафдан,- деб жавоб берди у.**

Улар иккала тарафни ҳам ўлчаб кўришди. Натижада у кетаётган шаҳарига яқинроқ бўлиб чиқди ва уни раҳмат фариштаси олиб кетди». (Муттафақун алайҳ, Бухорий ва Муслим ривоятлари).

Саҳиҳ бир ҳадисга кўра: **«У ҳидоятга эришган шаҳарга бир қарич яқинроқ эди. Шундай қилиб ўша шаҳар аҳолиси деб қабул қилинди»**.

Бошқа бир ривоятда эса шундай дейилади: **«Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло** (ёмон шаҳарга: сен ундан) **узоқлаш ва** (ҳидоятга эришган шаҳарга: сен унга) **яқинлаш, деб амр қилди. Сўнг улар ўртасини ўлчанглар, деди. Улар ҳидоятга эришган шаҳарга бир қарич яқинроқ деб топишди ва у кечирилди».**

Ҳа, қотил бўлса ҳам, зоний ва зония бўлса ҳам, Аллоҳга сидқидилдан тавба қилса, Аллоҳ унинг тавбасини қабул қилади. Қиёмат куни гуноҳкорни гуноҳ

эгасидан қутқариб оладиган ва уни поклайдиган зот Кечирувчи ва Раҳмли Аллоҳ таолодир. Муҳими, сиз чин кўнгилдан тавба қилинг, гуноҳингизга қон йиғланг, истиғфор айтинг ва солиҳ амалда бардавом бўлинг.

Набий Мустафо соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг яна бир ҳадисларини эшитинг. Имом Муслим, Абу Довуд ва бошқалар Бурайда розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда айтилишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам даврларида ўзи оилали, уйланган бўла туриб, зино қилиб қўйган бир киши – Моиз ибн Молик Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига келиб: «Мени покланг, ё Расулуллоҳ» (яъни шаръий жазо қўллаб, мени гуноҳдан покланг), деди. Шунда Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам унга: **«Ҳой қуриб кетгур, бор, Аллоҳга истиғфор айт, Унга тавба қил!»**, деб қайтариб юбордилар...

Шунинг учун Ибн Таймия раҳимаҳуллоҳ: «Гуноҳи кабиралардаги асл-асос – ҳад (шаръий жазо) қўлланмасдан туриб тавба қилишдир», деганлар.

... Моиз бир оздан кейин қайтиб келиб, яна: «Мен покланг, ё Расулуллоҳ», деди. Қаранг, чидай олмаяпти, охиратга қолмасдан, шу дунёнинг ўзида жазосини олиб, гуноҳидан покланишни истаяпти.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уни яна: **«Тавба қил, Аллоҳга истиғфор айт»** деб қайтариб юбордилар.

Учинчи марта келиб: «Мен зино қилдим, ё Расулуллоҳ, мени покланг», деди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам асҳоблардан: «Бунинг эс-ҳуши жойидами, мажнунлик йўқми бунда?», деб сўрадилар. «Йўқ, эс-ҳуши жойида», деб жавоб беришди.

«Маст қилувчи ичимлик ичмаганми?», дедилар. Асҳоблардан бири туриб, унинг оғзини ҳидлаб кўрди ва: «Маст қилувчи ичимлик ичмаган ё Расулуллоҳ», деди.

Шундан сўнг Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам уни тошбўрон қилиб ўлдиришга буюрдилар.

Оила қурган одам зино қилса, унинг шаръий жазоси шудир.

Барча аҳли илмлар сўзларига кўра, агар Моиз истиғфор айтса ва тавба қилса эди, Аллоҳ унинг тавбасини қабул қилган бўлур эди.

Икки-уч кундан кейин Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам асҳобларига: **«Биродарингиз Моизга истиғфор айтинглар»**, дедилар. Улар: «Аллоҳ Моиз ибн Моликни мағфират қилсин», дедилар. Мустафо соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

«Жоним Қўлида бўлган Зотга қасамки, у шундай тавба қилдики, агар бутун умматга тақсим қилинса, ҳаммасига етарли бўларди», дедилар.. (Муслим (22/1695), Аҳмад (5/347, 348) ривоятлари).

Абу Довуд ривоятида: Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Биродарингиз Моиз ибн Моликка истиғфор айтинглар»**, дедилар. Улар: «Аллоҳ Моиз ибн Моликни мағфират қилсин», дедилар. Мустафо соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Жоним Қўлида бўлган Зотга қасамки, у ҳозир жаннат анҳорларида чўмилиб юрибди»,** дедилар. (Абу Довуд (4428) ривояти).

Кейин Ғомид қабиласидан бўлган бир аёл келиб: «Ё Расулуллоҳ, мени покланг, зино қилдим», деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Ҳой қуриб кетгур, бор, Аллоҳга истиғфор айт, Унга тавба қил!»**, дедилар. Шунда у: «Ё Расулуллоҳ, мени ҳам Моиз ибн Моликни қайтаргандек қайтариб юбормоқчимисиз?», деди.

Қаранг, уни ахлоқ полицияси қўлига кишан солиб, олиб келмади.. Амри маъруф ва наҳий мункар зобити судраб олиб келмади.. Балки, уни иймони етаклаб келди, Парвардигоридан қўрқув етаклаб келди. Улар кўр қонуннинг назорати остида тавба қилмадилар, балки олий Парвардигорнинг назорати уларнинг тавба қилишларига кифоя қилди.

«... Мени покланг, ё Расулуллоҳ», деди аёл.. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Ҳой қуриб кетгур, бор, Аллоҳга истиғфор айт, Унга тавба қил!»**, дедилар. Шунда у: «Ё Расулуллоҳ, мени ҳам Моиз ибн Моликни қайтаргандек қайтариб юбормоқчимисиз? Аллоҳга қасамки, мен ҳомиладорман», деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Сенми ўша?»**, дедилар. «Ҳа», деди у.

Эътибор беринг, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам у аёлга нима дедилар: **«Бор, болангни туққанингдан кейин келгин»**, дедилар..

Боланинг гуноҳи нима?!! Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг жиноят қилган кишига нисбатан қилган бу муомалалари шаръий жазолар хусусида динимизни ваҳший санайдиган, Ислом дини инсонларнинг қонига, уларнинг қўлларини кесишга, тошбўрон қилиб ўлдиришга ташна дин, деб даъво қиладиган илмоний (динсиз, дунёвийлик тарафдори) кимсаларга етарли раддия бўлади. У зот соллаллоҳу алайҳи ва саллам зино қилганини бўйнига олиб келган аёлни аввал: **«Ҳой қуриб кетгур, бор, Аллоҳга истиғфор айт, Унга тавба қил!»**, деб

қайтаришга уриндилар, кўнмагач: **«Бор, болангни туққанингдан кейин келгин»**, дедилар..

Ҳа, боланинг нима гуноҳи бор?! Аёл кетди ва зинодан бўлган боласини туғиб, уни кўтариб келди..

Қочиб кет.. Паспортингни сохталаштиргин-да, мамлакатдан чиқиб кет... Йўқ, йўқ.. Аёл чақалоқ боласини бир матога ўраб, бағрига босиб, олиб келди ва: «Ё Расулуллоҳ, мана, боламни туғдим, энди мени покланг», деди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унга жазо қўллашни яна ортга сурдилар: **«Бор, болани эмизиб, сутдан айирганингдан кейин кел»**, дедилар.

Аёл боласини икки йил эмизди. Қочиб ҳам кетмади, унутиб ҳам юбормади.. Икки йилдан кейин боласини сутдан айириб, келди. Боланинг қўлида сутдан айрилганининг амалий белгиси сифатида бир бўлак нон бор эди.. Аёл жазоси охиратга қолмасидан шу дунёнинг ўзида гуноҳидан покланишни истарди.. Шундан сўнг Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам болани мусулмонлардан бир кишининг тарбиясига бердилар.

Аёлга тош отганлар ичида Холид ибн Валид розияллоҳу анҳу ҳам бор эди. Холид бир тошни унга отган эди, юзига қон сачради. Шунда у аёлни ҳақоратлайдиган бир сўз айтди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Ўзингни бос, эй Холид! Жоним қўлида бўлган Зотга қасамки, У шундай тавба қилдики, агар** (зулму тажовуз ила) **ўлпон** (солиқ) **йиғувчи шундай тавба қилса, мағфират қилинган бўларди»,** дедилар». (Муслим (22/1695), Абу Довуд (4442) ривоятлари).

Бир ривоятга кўра, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам саҳобаларга буюрдилар, ўзлари туриб, жаноза ўқидилар, сўнг дафн этилди.

Шу гап қувватли сўздир. Бунга далил шуки, Имом Муслим ривоятида айтилишича, Умар ибн Хаттоб: «Ё Расулаллоҳ, сиз унга жаноза ўқимоқчимисиз, ахир у зино қилган-ку?!», деди. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Жоним Қўлида бўлган Зотга қасамки, у шундай тавба қилдики, агар Мадинадаги етмиш кишига тақсимланса, кифоя қилган бўларди. Аллоҳ учун ўз жонини бергандан афзалроқ бирор кишини биласанми?»,** дедилар» (Муслим (24/1696), Абу Довуд (4440) ривоятлари).

Аллоҳга тавба қил, эй зинокор эркак.. Аллоҳга тавба қил, эй зинокор аёл.. Аллоҳга тавба қил, эй бу жирканч гуноҳга қўл урган кимса!

Эй Аллоҳим, аёлларимизни, қизларимизни Ўзинг пардалагин, йигитларимизни Ўзинг ислоҳ қилгин, авратларимизни Ўзинг гуноҳдан сақлагин эй раҳмлиларнинг Раҳмлироғи!!

Шаръий жазо қўлланилмаган тақдирда ҳам Аллоҳга тавба қил, Аллоҳ таборака ва таолога истиғфор айт. Эртага, қиёмат кунида Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло ҳузурида турганингда, агар У сенинг тавбангни қабул қилган бўлса, сен унинг ҳаққида гуноҳ қилган кишидан сени Ўзи қутқариб олади. Агар тавба қилсанг, тавбанг содиқ бўлса, Аллоҳ сенинг тавбангни қабул қилган бўлса, Унинг раҳмати билан сен ҳам, ҳақдор биродаринг ҳам жаннатга кирасизлар. Муҳими, тавбанг сидқидилдан бўлсин..

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: **«Бир киши ҳаддан ташқари кўп гуноҳлар қилиб, вафоти яқинлашганда фарзандларига васият қилиб айтдики: «Агар вафот этсам, мени куйдиринглар ва кулимни шамолли кунда денгизга сочиб юборинглар. Аллоҳга қасамки, агар Роббим мен(и қайта тирилтириш)га қодир бўлса, менга ҳеч бир бандасига бермайдиган қаттиқ азоб билан азоб беради». Фарзандлари унинг айтганини қилишди. (Аллоҳ таоло) ерга: «Олган (омонатларингни) адо қил», деб буюрди. Шунда у (одамнинг жасади йиғилиб келиб, Аллоҳ ҳузурида) турди. Аллоҳ таоло ундан: «Сени бундай қилишга нима ундади?», деб сўради. «Сендан қўрқишим, эй Роббим», деб жавоб берди. Шу сабабли Аллоҳ таоло уни мағфират қилди»** (Муттафақун алайҳ).

Ўз замонамизда бўлган бир воқеани айтиб бераман. Бир йигит улфатлари билан маст қилувчи ичимлик ичиб олиб, кейин қизларни овлашар, уларни саҳрога олиб чиқиб, бузуқчилик қилишиб, тонг отар қилиб уйига қайтар экан. Йигит бой-бадавлат ва ҳурмат-эътиборли хонадон фарзанди бўлиб, яқинлари уни бу йўлдан қайтаришга кўп уринишган, аҳли илмларни чақириб, насиҳатлар қилдиришган, бироқ ҳаммаси бефойда кетган. Шундан сўнг уни уйлантириб қўйишга қарор қилишган. Аввалда уйланишга кўнмай юрган, кейин отасининг зўри билан уйланишга рози бўлган. Аллоҳ таоло қиз фарзанд ато этган. Қизи олти ёшга етгунича ҳам йигит ҳалиги ахлоқсизлигини ташламаган, қизчаси уни эрталаблари бир-бир кўриб қолар, туни билан маишат қилиб, тонг отар пайти уйига келиб, бир маҳалгача ухлаб ётар экан. Бир куни маишатлари сал эртароқ тугаб, одатдагидан барвақтроқ уйга қайтишади. Йигит уйига келгач, қизчаси онасининг бағрида

пишиллаб ухлаб ётганига ишонч ҳосил қилгач, қўшни хонага кириб, ахлоқсиз, шаҳвоний филм ёзилган кассетани томоша қилиб ўтиради. Аллоҳнинг хоҳиши билан қизча уйқудан уйғониб кетиб, отаси ўтирган хонага кириб келади. Экрандаги беҳаё кўриниш ва шармсиз товушлардан даҳшатга тушган қизча қичқириб юборади. Ота ҳам саросимага тушиб, ўтирган жойида қотиб қолади. Гангиб ўтираркан, қизчасининг йиғи аралаш: «Дада, дўзахни яхши кўрсангиз, майли ўзингиз тушаверинг, биз сиз билан бирга дўзахга тушишни истамаймиз!» деган сўзларидан кўзлари ярқ этиб очилиб кетади ва дод деб юборади. Қизига қўшилиб фарёд қиларкан, телевизорни ҳам, видео ускунасини ҳам ерга отиб, оёқлари билан тепиб, эзғилаб ташлайди. Сўнг қизини бағрига босиб, у билан теппа-тенг йиғлайверади. Шовқин-сурондан уйғониб кетган аёли воқеадан хабар топгач, у ҳам йиғига қўшилади. Шу орада бамдод намозига азон янграйди: Аллоҳу акбар, Аллоҳу акбар...

Йигит ҳаммомга кириб, ғусл қилиб, ўзидан зино нопоклигини кетказади..

Биринчи марта Аллоҳнинг уйига, масжидга қадам қўяди.. Иттифоқо, шу куни имом бамдод намозида:

قَالَ تَعَالَىٰ: ﴿ ۞ قُلْ يَٰعِبَادِىَ ٱلَّذِينَ أَسْرَفُوا۟ عَلَىٰٓ أَنفُسِهِمْ لَا تَقْنَطُوا۟ مِن رَّحْمَةِ ٱللَّهِ ۚ إِنَّ ٱللَّهَ يَغْفِرُ ٱلذُّنُوبَ جَمِيعًا ۚ إِنَّهُۥ هُوَ ٱلْغَفُورُ ٱلرَّحِيمُ ﴿٥٣﴾ ﴾ الزمر: ٥٣

«(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), **Менинг** (турли гуноҳ-маъсиятлар қилиш билан) **ўз жонларига жиноят қилган бандаларимга айтинг: «Аллоҳнинг раҳмат-марҳаматидан ноумид бўлмангиз! Албатта Аллоҳ** (Ўзи хоҳлаган бандаларининг) **барча гуноҳларини мағфират қилур. Албатта Унинг Ўзигина мағфиратли, меҳрибондир»** (Зумар: 53) оятини қироат қилади.. Йигит ўзи қалби синиб чиққан эмасми, йиғи ғолиб келиб, ўзини босолмай ўкириб юборади.. Намоздан кейин ҳамма: «Ким? Нима бўлди ўзи?» деб бир-бирига қарашади. «Фалончининг ўғли, биринчи марта намозга чиқиши, йиғи билан овози кўтарилган шу эди», дейишади... Йигит эса ҳануз йиғидан ўзини тўхтатолмаган ҳолда, покиза ва норасида қизчасини Аллоҳ унинг ҳидоятига ва тавба қилишига сабабчи қилганини сўзлайди ва бўлиб ўтган воқеаларни айтиб беради.. Кун ёришгунича масжидда ўтириб, кейин икки ракъат намоз ўқиб, масжиддан уйига қайтади.

Эрталаб барвақт ишхонасига кириб келганини кўрган ҳамкасблари ҳайрон бўлиб: «Мошооллоҳ! Бугун қандай бўлиб, вақтида ишга келиб қолибсан?!!», дейишади. Чунки, ҳаммаси унинг аҳволидан хабардор, бу пайт қотиб ухлаб ётишини, ҳеч қачон ишга келмаслигини яхши билишарди. Йигит бўлиб ўтган воқеани айтиб беради, улар унинг юзида тавба синиқлигига – истасангиз тавба маҳобатига, тавбанинг улуғворлигига, тавба нурига деб атанг – гувоҳ бўлишади. Унинг уйқусиз ва ҳорғин аҳволини кўрган бошлиғи: «Майли, уйингга бориб, дамингни ол. Кечқурун бирга ўтирамиз, шунда бизга тавбанг ҳақида батафсил сўзлаб берасан», деб эртароқ жавоб бериб юборади.

Пешиндан илгарироқ уйига қайтган йигит йиғи-сиғи ва дод-фарёд устидан чиқади.

«Нима гап?! Нима бўлди?!!» деб сўрайди..

«Қизинг вафот этди», дейишади.

Нима?! Қизим вафот этди?! Мени зулматлардан нурга олиб чиққан шамчироғим сўндими?!! Аллоҳ тавбамни унинг қўлида қилган қизалоғим, покиза қизим ўлдими?!! Мен унга энг муҳтож бўлган кунда, тавбамнинг ҳақиқийлигини унга амалий равишда исботлаб беришни истаганим кунда вафот этдими?!!...

Бечора ота қизчасини ўз қўли билан ювиб, ўзи кафанлаб, ўзи қабрга қўйишга қарор қилади. Уни бундан қайтармоқчи бўлганларга: «Йўқ, мени ўз ҳолимга қўйинглар! Мени зулматлардан нурга олиб чиққан нурим билан видолашишга қўйиб беринглар!», дейди..

Йигитнинг тавбаси чин эди.. Сидқидилдан Аллоҳга тавба қилган эди у...

Шундан сўнг қайтиб зинога қадам босмади, қайтиб оғзига ичкилик олмади. Аллоҳдан барчаларимизни динида собитқадам қилишини сўрайман.

Ҳой йигит! Гуноҳларинг ҳар қанча кўп бўлса ҳам, асло ноумид бўлма, умидсизликка тушма!

Мана шу яшаб турган шаҳримиз – Мансуранинг маҳаллаларидан бирида истиқом қиладиган бир йигитнинг ўз оғзидан эшитган гапларни сизга айтиб бераман. Аллоҳга қасамки, бу гапни унинг ўзи сўзлаб берган.

Шу куни ушбу маҳаллада жойлашган масжидда шом билан хуфтон оралиғида менинг муҳозарам (маъруза, мавъиза) бўлиб, унда мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг вафотлари ҳақидаги мавзуда сўз юритган эканман.

Муҳозарага келган одамлар кўплигидан биродарлар масжид ташқарисига ҳам тўшамалар тўшаб, анча одам ташқарида ҳам ўтирган экан.

Шунинг учун ҳам кўпинча айтаманки, илмий муҳозараларда мусулмонларнинг сони кўп бўлишининг ўзи ҳам бир даъват.

Шу маҳаллада истиқомат қиладиган учта ўсмир йигит чўнтакларидами, сумкаларидами анчагина наша билан кўчага чиқишган, қилар ишлари кечасида маҳаллама-маҳалла айланиб, бангиларга ушбу товарларини майдалаб сотиш экан. Ушбу йигитчалардан бири менга кейин шундай сўзлаб берганди:

Аллоҳга қасамки, эй шайх, шу куни кўчаларда жуда кўпчилик соқоллиларга кўзим тушди, шаҳарнинг бошқа даҳаларидан ҳам одамлар маҳалламизга келишаётган эди. Биз ҳайрон бўлиб, «бугун мунча кўп соқоллилар инидан чиқиб қолишибди?», деб сўраган эдик, «бугун мана бу масжидда Муҳаммад Ҳассон деган шайхнинг маърузаси бор», дейишди. «Нима сотаркан?» деб сўрасак, «Муҳозара, унда Аллоҳ айтди, Пайғамбари айтди, деган гаплар бўлади», дейишди.

Шунда ёнимдаги икки шеригимга: «Ҳали вақт эрта, нашани барибир сал қоронғи тушганда тарқатамиз. Кеч киргунича шу ерда манавилар билан ўтириб турсак, нима дейсизлар?», дедим. Кейин шу ерда ўтирдик, Аллоҳга қасамки, ёнимизда анчагина наша бор эди. Сиз эй шайх, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг вафотлари ҳақида гапираётган экансиз. Қасам ичиб айтаманки, юрагимга титроқ кириб, вужудим зириллаб, худди умримда биринчи марта йиғлаётгандек, кўзларимдан ёш қуйила бошлади ва ўзимни Пайғамбаримизнинг хоналарида, у зот вафот этган ва ювилаётган ҳолатда тасаввур қилдим.

Хуфтон намозига азон айтилгач, беихтиёр таҳоратхонага қараб юрдим, шу ерда ювиниб, баданимдаги нопокликдан халос бўлдим, ёнимдаги нашаларни ҳам хожатонага ташлаб юбордим. Кейин чиқиб, ҳамма билан намоз ўқидим, тавба лаззатини ҳис қилдим, Аллоҳга қайтиш ҳаловатини тотиб кўрдим. Намоздан кейин иккала шеригимга қатъий қилиб: «Бугундан бошлаб, йўлимиз бошқа-бошқа», дедим. Улар ҳам: «Шу пайтгача гуноҳда бирга бўлдик, энди буёғига тавбада ҳам бирга бўламиз», деб жавоб беришди...

Аллоҳга қасамки, бугун ўша йигит бизнинг шогирдларимиз қаторида бир толиби илм бўлиб юрибди, дарсларимизга қолдирмай келади, юзига Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатлари кўрк бериб турибди.

Севикли биродарим! Гуноҳинг ҳар қанча кўп ва катта бўлса ҳам, умидсиз бўлма, Аллоҳга қайт, тавба қил!

Шуни яхши билгинки, сен агар: «Эй Роббим, мени тавбага муваффақ айлагин» десанг, албатта Аллоҳ сенга тавба йўлини енгил қилиб қўяди.

قَالَ تَعَالَىٰ: ﴿ وَٱلَّذِينَ جَٰهَدُواْ فِينَا لَنَهۡدِيَنَّهُمۡ سُبُلَنَاۚ وَإِنَّ ٱللَّهَ لَمَعَ ٱلۡمُحۡسِنِينَ ٦٩ ﴾ العنكبوت: ٦٩

«Бизнинг (йўлимиз)**да жиҳод қилган — курашган зотларни албатта Ўз йўлларимизга ҳидоят қилурмиз. Аниқки, Аллоҳ чиройли амал қилувчи зотлар билан биргадир»** (Анкабут: 69).

قَالَ تَعَالَىٰ: ﴿ وَمَن يَتَّقِ ٱللَّهَ يَجۡعَل لَّهُۥ مَخۡرَجٗا ٢ وَيَرۡزُقۡهُ مِنۡ حَيۡثُ لَا يَحۡتَسِبُۚ وَمَن يَتَوَكَّلۡ عَلَى ٱللَّهِ فَهُوَ حَسۡبُهُۥٓۚ إِنَّ ٱللَّهَ بَٰلِغُ أَمۡرِهِۦۚ قَدۡ جَعَلَ ٱللَّهُ لِكُلِّ شَيۡءٖ قَدۡرٗا ٣ ﴾ الطلاق: ٢ - ٣

«Ким Аллоҳдан қўрқса, У зот унинг учун (барча ғам-кулфатлардан) **чиқар йўлни** (пайдо) **қилур. Ва уни ўзи ўйламаган томондан ризқлантирур. Ким Аллоҳга таваккул қилса, бас,** (Аллоҳнинг) **Ўзи унга етарлидир. Албатта Аллоҳ Ўзи** (хоҳлаган) **ишига етувчидир.** (Унинг хоҳишига қарши турувчи кимса йўқдир). **Дарҳақиқат Аллоҳ барча нарса учун миқдор-ўлчов қилиб қўйгандир»** (Талоқ: 2, 3).

Ёш биродарим, ким Унга таваккул қилса, Унинг ўзи кифоя қилади. Ким Унга ишини топширса, Унинг ўзи тўғриликка йўллайди. Аллоҳга тавба қилингиз! Ва билингизки, тавбанинг бир неча шартлари бор.

Суҳбатимизнинг навбатдаги қисмида қисқача шу ҳақда айтиб ўтамиз.

Тавбанинг шартлари

Биринчи шарти: Ихлос. Сиз қамоқдан қўрқиб, ё жазодан қўрқиб, ё одамларнинг маломатларидан ва шарманда бўлишдан қўрқиб тавба қилманг, фақат Аллоҳ учун тавба қилинг.

قَالَ تَعَالَىٰ: ﴿ وَمَآ أُمِرُوٓاْ إِلَّا لِيَعۡبُدُواْ ٱللَّهَ مُخۡلِصِينَ لَهُ ٱلدِّينَ حُنَفَآءَ وَيُقِيمُواْ ٱلصَّلَوٰةَ وَيُؤۡتُواْ ٱلزَّكَوٰةَۚ وَذَٰلِكَ دِينُ ٱلۡقَيِّمَةِ ٥ ﴾ البينة: ٥

«Ҳолбуки улар фақат ягона Аллоҳга, у зот учун динни холис қилган, Тўғри йўлдан оғмаган ҳолларида ибодат қилишга ва намозни тўкис адо этишга

ҳамда закотни (ҳақдорларга) **ато этишга буюрилган эдилар. Мана шу тўғри йўлдаги** (миллатнинг) **динидир»** (Баййина: 5).

قَالَ تَعَالَىٰ: ﴿ قُلْ إِنَّمَآ أَنَا۠ بَشَرٌ مِّثْلُكُمْ يُوحَىٰٓ إِلَيَّ أَنَّمَآ إِلَٰهُكُمْ إِلَٰهٌ وَٰحِدٌ فَمَن كَانَ يَرْجُواْ لِقَآءَ رَبِّهِۦ فَلْيَعْمَلْ عَمَلًا صَٰلِحًا وَلَا يُشْرِكْ بِعِبَادَةِ رَبِّهِۦٓ أَحَدًۢا ﴿١١٠﴾ ﴾ الكهف: ١١٠

«(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам, Уларга) **айтинг: «Ҳеч шак-шубҳа йўқки, мен ҳам сизлар каби бир одамдирман. Менга Тангрингиз ёлғиз Аллоҳнинг Ўзи экани ваҳий этилмоқда. Бас, ким Парвардигорига рўбарў бўлишидан умидвор бўлса, у ҳолда яхши амал қилсин ва Парвардигорига бандалик қилишда бирон кимсани** (унга) **шерик қилмасин!** (Яъни, қиладиган барча амалларини ёлғиз Аллоҳ учун қилсин)» (Каҳф: 110).

Иккинчи шарти: Гуноҳ ва маъсиятлардан тийилиш.

Учинчи шарти: Шу гуноҳни қайтиб қилмасликка азм қилиш.

Тўртинчи шарти: Солиҳ амалларни давомли қилиш.

Бешинчи шарти: Агар гуноҳ банданинг ҳаққига тааллуқли бўлса, ундан қутулиб олиш. Агар бировнинг молини ноҳақ олган бўлсангиз, уни қайтариб берасиз. Агар бировни ғийбат қилган бўлсангиз, унинг олдига бориб, мен сизнинг ғийбатингизни қилган эдим, дейиш шарт эмас, чунки кўнгли оғриб қолиши мумкин. Фақат Аллоҳга тавба қилишингиз ва ўша одамнинг ғийбатини қилганингиз мажлисда энди уни яхшилик билан зикр қилишингиз ва унинг ҳаққига Аллоҳга дуо қилишингиз кифоя қилади. Мана шу тавба бўлади.

Тавба йўлидаги тўсиқлар ва улардан қутулиш йўллари

Севикли дўстларим! Суҳбатимиз якунида Аллоҳ азза ва жаллага тавба қилишни истаганимизда йўлимизда тўғаноқ бўладиган айрим тўсиқлар ҳақида гапириб ўтамиз.

1) Бандага гуноҳларни чиройли кўрсатувчи, шунингдек уни Парвардигорнинг раҳматидан умидсизликка туширувчи шайтон.

2) Аллоҳнинг гуноҳларни яшириши, бандага меҳрибонлиги ва неъматларидан маҳрум қилмаслиги.

3) Дунёга суяниб қолиш ва охиратдан машғул бўлиб қолиш.

4) Ёмонликка буюрувчи нафс.

5) Ёмон улфатлар.

Буюк ва Қудратли Парвардигордан бизларнинг тавбаларимизни мақбул айлашини сўраймиз.

Эй тавбаларни қабул этувчи Зот, Ўзинг тавбамизни қабул эт.

Эй раҳмлиларнинг раҳмлироғи, Ўзинг бизга раҳм эт.

2010 йил 14-август